ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМАИЛОВ ОТАБЕК МИРХАЛИЛОВИЧ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУАЛАРИ ҲИМОЯЛАНГАН ИНТЕГРИРЛАШГАН БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УЎК 681.3

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract doctor of sciences (DSc)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМАИЛОВ ОТАБЕК МИРХАЛИЛОВИЧ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУАЛАРИ ҲИМОЯЛАНГАН ИНТЕГРИРЛАШГАН БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/T244 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович** техника фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	**Камилов Мирзаян Мирзаахмедович** техника фанлари доктори, профессор, академик
	Игамбердиев Хусан Закирович техника фанлари доктори, профессор, академик
	Каримов Мажит Маликович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Бухоро муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «____» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Т.Адилов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
техника фанлари доктори, профессор

У.Ф.Мамиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Х.З. Игамбердиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда сўнгги вақтларда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш соҳасида ишлаб чиқариш мажмуаларининг ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимлари (ИЧМ ҲИБТ)ни автоматлаштирилган лойиҳалаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш масалалари етакчи ўринни эгаллайди. Бу соҳада саноат тармоқларининг функционал ҳолатини мониторинг қилишни унификацияланган модел ва алгоритмлари ҳамда эҳтимолий таҳдидларни ўз вақтида бартараф этиш ва уларга реал вақт режимида адаптив таъсир кўрсатиш алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан саноат объектларининг ҳимояланганлигини мониторинг қилиш, идентификациялаш ва таъминлашнинг турли усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда ҳимояланган саноат мажмуаларини лойиҳалашга бўлган эҳтимолий таҳдидларга қарши курашиш, тизим узлуксиз ишлашини таъминлаш ва турли таҳдидлар шароитида объектларни адаптив бошқариш масалаларини ҳал қилишга қаратилган универсал ёндашувни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, миссиоцентрик ёндашув тушунчалари асосида ИЧМ ҲИБТни автоматлаштирилган лойиҳалаш усуллари ва алгоритмларини такомиллаштириш, дискрет маълумотлар оқимига эга бўлган ИЧМ ҲИБТдаги тармоқ трафигини статистик ва фрактал таҳлил қилиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ва дастурий таъминотини яратиш муҳим вазифалардан бири хисобланилади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш мажмуаларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимларини ҳавсизлигини таъминловчи самарали усуллар ва алгоритмларни яратиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни узлуксиз ишлашини таъминловчи ИЧМ ҲИБТни автоматлаштириш ва бошқариш ҳамда лойиҳалаш йўналишларига катта эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқариш тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»[1] вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан ишлаб чиқариш мажмуаларининг интеграллашган бошқариш тизимлари (ИЧМ ИБТ) ҳимоясини оширишга имкон берувчи замонавий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

усуллар ва алгоритмларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сонли «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Ишлаб чиқариш мажмуаларини ҳимояланган интегралашган бошқариш тизимларининг автоматлаштирилган лойиҳалаш усуллари ва алгоритмларини яратиш ҳамда такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан «Honeywell», Rockwell Automation Inc., University of California, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), «Check Point Software Technologies» (АҚШ, Исроил), Technical University Munich, Karlsruhe Institute of Technology, Technical University Darmstadt (Германия), Imperial College London, The University of Edinburgh (Буюк Британия), Linksping University (Швеция), University of Chemical Technology in Prague (Чехия), The University of Tokyo, Tokyo Institute of Technology (Япония), Seoul National University, Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), Автоматика институти (Хитой), «Станкоинформзащита» илмий-техник маркази, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институти, Самара давлат университети (Россия), Турин политехника университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент аҳборот технологиялари университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

[2] Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи https://www.honeywell.com, https://www.rockwellautomation.com/site-selection.html, https://www.universityofcalifornia.edu, http://web.mit.edu, https://www.checkpoint.com, https://www.tum.de, https://www.kit.edu, https://www.tu-darmstadt.de, http://www.imperial.ac.uk, https://www.ed.ac.uk, https://liu.se, https://www.vscht.cz/?jazyk=en, https://www.u-tokyo.ac.jp/en/index.html, https://www.titech.ac.jp/english, http://en.snu.ac.kr, http://www.kaist.edu, http://english.ia.cas.cn, https://www.ntcsiz.ru, http://www.bmstu.ru, http://www.spiiras.nw.ru, https://polito.uz, http://tdtu.uz, https://tuit.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш соҳасида ИЧМ ҲИБТни автоматлаштирилган лойиҳалаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳимоя тизимларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ИЧМ ҲИБТнинг қуйи поғоналаридаги мосламаларни ҳимоялаш усуллари ва алгоритмлари яратилган («Honeywell», University of California, Massachusetts Institute of Technology, George Mason University, АҚШ; Россия Фанлар Академияси Бошқариш муаммолари институти, Россия); ИЧМ ИБТни бошқариш объектлари (тўғридан-тўғри бошқариш буйруқлари, режим параметрлари ва уларни ўлчов қийматларини ўзгариши ҳамда авариялларга қарши ҳимоялар)га бўлган рухсатсиз киришдан ҳимоялаш алгоритмлари ишлаб чиқилган («Истиқболли тадқиқотлар жамғармаси», Россия); ИЧМ ҲИБТни муҳим инфратузилмаларини (SCADA серверлари, операторлик панеллари, муҳандислик ишчи станциялари, тармоқ уланишлари ва ахборот инфратузилмасининг бошқа муҳим тизимлари) барқарор ишлашини таъминлаш бўйича алгоритмлар ва аппарат-дастурий мажмуалар ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology, АҚШ; Linksping University, Швеция; «Modcon Systems», Буюк Британия; Seoul National University, Жанубий Корея; Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институти, Россия); автоматлаштирилган бошқариш тизимларининг техник воситалари (датчиклар, микроконтроллерлар, микропроцессорлар ва бошқалар)ни технологик носозликларини назорат қилиш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган («Honeywell», АҚШ; Seoul National University, Жанубий Корея; Tokyo Institute of Technology, Япония; «Станкоинформзащита» илмий-техника маркази, Россия); ишлаб чиқаришнинг нефть-газ, кимё, биотехнология тармоқларида интеграллашган бошқариш тизимларини лойиҳалаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган («Honeywell», АҚШ; «Станкоинформзащита» илмий-техника маркази, Россия); ишлаб чиқаришнинг электрэнергетика ва транспорт тармоқларида бошқариш тизимларини автоматик сигнализациялаш, блокалаш ва мониторинг қилишнинг дастурий-техник мажмуалари ишлаб чиқилган («Honeywell», АҚШ; Linksping University, Швеция; «Станкоинформзащита» илмий-техника маркази, Россия).

Жаҳонда ИЧМ ҲИБТни лойиҳалашни автоматлаштириш масалаларини ечиш учун ишлаб чиқилаётган усуллар ва алгоритмларни такоминлаштиришга доир қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: мураккаб динамик жараёнларга эга бўлган тизимлардаги таҳдидларни аниқлаш, хатарларни баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш; бошқариш объектларига ва ресурсларига рухсатсиз киришларни бошқариш; саноат объектларининг ишлашида ностандарт вазиятларни мониторинг қилиш ва хабардор қилиш тизимлари; адаптив бошқариш ва таҳдидларга қарши курашиш тизимларини ишлаб

чиқиш; ташқи ва ички қўзғатувчи таъсирларга боғлиқ бўлмаган бошқариш тизимларининг ишлашини таъминловчи моделларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ИЧМ ИБТнинг автоматлаштирилган лойиҳалаш усуллари, моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб хорижлик олимлар, жумладан: J.C.Smith, D.J.Howard, R.N.Selin, R.Lippmann, R.Kwitt, A.Ghosh, E.Eskin, N.Cristianini, M.Salem, H.Amstrong, P.Barford, J.Kline, H.J.Kim, P.Casas, В.А.Артамонов, Д.Ю.Гамаюнов, Ю.В.Писецкий, С.Гордейчик, В.Дубровин, В.И.Маркоменко, Р.В.Базаев, В.А.Конявский, В.А.Галатенко ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан А.А.Абдуқодиров, Б.М.Азимов, О.П.Ахмедова, Т.Ф.Бекмуратов, Ш.М.Ғуломов, И.И.Жуманов, О.О.Зарипов, Х.З.Игамбердиев, А.А.Кадиров, Н.З.Камалов, М.М.Камилов, М.М.Каримов, А.Р.Марахимов, Т.Р.Нурмухамедов, М.А.Рахматуллаев, О.Х.Расулова, И.Х.Сиддиқов, Ш.Х.Фозилов, Н.Р.Юсупбеков ва бошқалар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган.

Хорижлик ва мамлакатимиз олимлари ишларининг таҳлили, улар томонидан таклиф қилинаётган ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари асосан хавфсизликнинг кўп босқичли моделини қуриш ва ИЧМ ИБТ ҳимоясини ташкиллаштиришга бўлган эшелонлаштирилган ёндашувга йўналтирилганлигини ёки криптографик ҳимоя каби масалаларни ечиш билан чекланганлигини кўрсатди. Хусусан, О.П.Ахмедова, О.Х.Расулов, М.М.Каримовлар ахборот тизимларидаги маълумотларни ҳимоя қилишга имкон берувчи маълумотларни кодлашнинг турли аппарат-дастурий воситаларини таклиф қилганлар.

Соҳага оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш мажмуаларининг ҳозирги босқичида ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимларидаги маълумотларни узлуксиз қайта ишлаш, маълумотлар бутунлигини таъминлаш учун саноат тизимлари таҳдидларини аниқлаш ва уларга қарши курашишнинг адаптив тизимларини яратиш, маълумотлар узатиш каналларини ҳимоя қилишнинг илғор усулларини тадқиқ қилиш, саноат корхоналарида адаптив тизимлар ва ҳимоя технологияларини яратиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг №Ф-4-56–«Мураккаб технологик объектларни интеллектуал бошқариш тизимлари норавшан тўпламлари асосида тузилмавий-параметрик синтезнинг назарий асослари ва усулларини ишлаб чиқиш» (2012-2016); №А-5-42–«Априор ноаниқлик шароитида технологик объектларни автоматлаштирилган мониторинги ва бошқаришни интеллектуаллаштиришнинг дастурий инструментал воситаси» (2015-2017); №ОТ-Ф4-78–«Идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системалари синтезининг назарий асослари ва мунтазам усулларини ишлаб чиқиш» (2017-2020); №ОТ-Ф7-88–«Тоза маҳсулотлар олишнинг энергия ва ресурстежамкор иссиқлик-масса алмаштириш

жараёнларининг истиқболни мураккаб кимё-технологик тизимларининг назорати асосларини такоминлаштириш» (2017-2020) мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишлаб чиқариш мажмуаларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланган интегралашган бошқариш тизимларининг автоматлаштирилган лойиҳалаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборот ва саноат технологияларини унификация қилиш шароитида ишлаб чиқариш мажмуаларининг ҳимояланган интегралашган бошқариш тизимларини лойиҳалаш концепцияси ва методологиясини ишлаб чиқиш;

мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш объектларининг бошқариш тизимлари структурасини синтезлаш ҳамда таҳдид ва заифликларини таҳлил қилиш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш мажмуаларидаги тармоқ трафиги аномалликларини таҳлил қилишнинг математик моделлирни ишлаб чиқиш;

интегралашган бошқариш тизимлари тармоқ трафигидаги аномалликларни идентификациялаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш мажмуаларида интегралашган бошқариш тизимининг ҳимояланганлигини ошириш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

интегралашган бошқариш тизимига бўлган киберҳужумни аниқловчи гибрид алгоритм ва дастурий мажмуаларни ишлаб чиқиш;

саноат мажмуаларидаги малумотлар омборини сақлаш ва заҳиралаш тизимларининг талофатсиз ишлашини таъминловчи алгоритмларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ишлаб чиқариш мажмуаларида интегралашган бошқариш тизимининг ахборот ресурсларига электрон таъсир кўрсатиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети ИЧМ ҲИБТга бўлган электрон таҳдидларга қарши курашиш бўйича чоралар, моделлар, алгоритмлар, маълумотлар омбори ва дастурий мажмуаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли-қиёсий ва тизимли-функционал ёндашувлар, бошқариш тизимларини таҳлил қилиш, бошқариш тизимларини структуравий-параметрик синтезлаш, вақт қаторларини статистик ва фрактал таҳлил қилиш, моделлаштириш ва башоратлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборот ва саноат технологияларини унификация қилиш шароитида ишлаб чиқариш мажмуаларининг ҳимояланган интегралашган бошқариш тизимини лойиҳалашнинг асосий принциплари аниқланган ҳамда концепцияси ва услубияти ишлаб чиқилган;

тадқиқ қилинаётган объект хусусиятларини ҳисобга олиб, мураккаб ишлаб чиқариш технологик объектларини бошқариш тизимлари таҳдидлари ва заиф томонларини таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқариш мажмуаларининг

ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимини структураси ишлаб чиқилган;

статистик таҳлил концепцияси асосида дискрет маълумотлар оқимига эга бўлган ишлаб чиқариш мажмуаларининг ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимидаги тармоқ трафигини мониторинг қилишни модернизация қилинган математик моделлари ишлаб чиқилган;

дискрет маълумотлар оқимига эга бўлган ишлаб чиқариш мажмуаларини ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимидаги тармоқ трафигини фрактал таҳлилининг такомиллаштирилган алгоритмлари ва моделлари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқариш объектларини интеграллашган бошқариш тизимларида ахборотни мажмуавий криптографик ҳимоялаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқариш мажмуаларининг ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимларидаги исталмаган оқимларни мониторинг қилиш ва идентификациялашнинг қисман ўз-ўзини ўқитиш қобилиятига эга бўлган гибридли алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқаришни интеграллашган бошқариш тизимларида маълумотлар базасини носозликларга чидамлилигини ошириш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жараён кечиши давомида технологик режимларни мониторинг қилиш ва носозликларини аниқлашга имкон берувчи қўрғошин чиқиндиларини қайта ишлаш ва қоришмаларни тайёрлаш технологик жараёнлари тармоқларидаги номақбул трафикларни таниб олиш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

аккумлятор ишлаб чиқаришда қўрғошин чиқиндиларини қайта ишлаш ва қоришмаларни тайёрлаш технологик жараёнининг интеграллашган бошқариш тизимлари маълумотлар базасининг носозликларга чидамлилигини ошириш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

қўрғошин чиқиндиларини қайта ишлаш ва қоришмаларни тайёрлаш технологик жараёнлар мажмуасида ахборотларни криптографик ҳимоялаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

қўрғошин чиқиндиларини қайта ишлаш ва қоришмаларни тайёрлаш технологик жараёнларидаги ишлаб чиқариш мажмуалари тармоқларини мониторинг қилишнинг ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимларида таҳдидларни идентификациялаш масалаларини ечишга мўлжалланган дастурий мажмуа ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги услубий жихатдан асосланган назарий ҳисоб-китобларни амалга оширилиши, бошқариш тизимларини синтез қилишнинг структуравий-параметрик, замонавий бошқариш назариясининг амаллий синовдан ўтган усуллари ва алготималарини ишлатилиши, вақт қаторларининг статистик ҳамда фрактал таҳлил усуллари ва алгоритмларини ишлатилиши, назарий ва амалий тадқиқотларнинг олинган натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқариш жараёнларини ишончлилиги ва хавфсизлигини оширишга имкон берувчи ишлаб чиқариш мажмуалари ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимларини автоматлаштирилган лойиҳалашнинг конструктив усуллари, моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларинг амалий аҳамияти таклиф этилган усуллар, моделлар, алгоритмлар ва дастурлар янги ишлаб чиқариш ҳамда турдош объектларни ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимларини ва уларнинг қисмларини лойҳалашни автоматлаштиришда файдаланилиш мумкинлиги билан изоҳланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқариш мажмуалари ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимларининг автоматлаштирилган лойиҳалаш усуллари ва алгоритмларини яратиш бўйича ишда олинган илмий натижалар асосида:

исталмаган оқимларни мониторинг қилиш ва таниб олишнинг қисман ўз-ўзини ўқитиш қобилиятига эга бўлган гибридли алгоритмлар, ишлаб чиқаришнинг интеграллашган бошқариш тизимларида ахборотни мажмуавий криптографик ҳимоялаш ва маълумотлар базасини носозликларга чидамлилигини ошириш усуллари ва алгоритмлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборотлаштириш Бош марказида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 28 февралдаги 33-8/1449-сон маълумотномаси). Натижада тармоқ трафигини таҳлил қилиш тизимининг ишлаш унумдорлигини 12 % га ошириш имконини берган;

статистик таҳлил концепцияси асосида дискрет маълумотлар оқимига эга бўлган ИЧМ ҲИБТдаги тармоқ трафигини мониторинг қилишнинг модернизация қилинган математик моделлари ва дискрет маълумотлар оқимига эга бўлган ИЧМ ҲИБТдаги тармоқ трафигининг фрактал таҳлилини такомиллаштирилган алгоритмлари ва моделлари «Жиззах аккумулятор заводи» АЖ да жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 28 февралдаги 33-8/1449-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган математик моделлар ва саноат тармоқларини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш алгоритмлари ИЧМ ҲИБТни тўхтовсиз ишлаш имконини берган;

ахборот ва саноат технологияларини унификация қилиш шароитида ИЧМ ҲИБТни лойиҳалашнинг аниқланган асосий принциплари ҳамда ишлаб чиқилган концепцияси ва услубияти Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот ва жамоатчилик хавфсизлиги Маркази ҳамда «UNICON.UZ» ДУКда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 28 февралдаги 33-8/1449-сон маълумотномаси). Натижада ИЧМ ҲИБТдаги

трафикни мониторинг қилиш тизими самарадорлигини 15 % га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш, жумладан Ўзбекисон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, 10 таси республика журналларида ва 3 таси хорижий журналларда, нашр қилинган, ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 184 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳимояланган интегралашган бошқариш тизимларини лойиҳалаш усулларини ривожлантиришнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида ИЧМ ИБТ тузилишини синтез қилиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган, мавжуд таҳдидлар, АХ заифликлари ва хатарлари, муаммолари ҳамда мураккаб ишлаб чиқариш технологик объектлари инфратузилмасига бўлган салбий электрон таъсирлардан ҳимояланиш ва уларга қаршилик кўрсатиш бўйича истиқболли воситалар таҳлил қилинади.

Замонавий ИЧМ ИБТ кўп босқичли одам-машина бошқариш тизимидан иборатдир. Корхона барча қисм-тизимлари ўртасидаги ўзаро алоқа саноат тармоғи асосида юз беради.

Кўп босқичли саноат тармоғини вазнлаштирилган қирралар ва учларга эга бўлган йўналтирилган мультиграф $G = (D, S)$ кўринишида ифодалаймиз. G граф ёйларининг йўналиши трафик узатиш йўналишини кўрсатади.

Бу ерда $D = \{d_i, i = 1,..., n_d\}$ – турли қурилмалар (датчиклар, контроллерлар, коммутаторлар, компьютерлар ва ҳок.) – ИЧМ ИБТ саноат тармоғига уланган тармоқ объектларидан ташкил топган учлар тўплами.

$S = \{s_l, l = 1,..., n_s\}$ – барча қурилмаларни ягона тармоққа бирлаштирувчи алоқа каналлари билан ифодаланувчи қирралар тўплами. Бу ерда $S \subset D^2$ – қурилмалар ўртасидаги физик боғланишни характерловчи D тўпламдаги бинар муносабат. Унинг учун қуйидаги ўринли:

$$G = (D,S)^{def} =< D,S >,\ D \neq \varnothing \quad S \subset D^2 \ \& \ \forall s \in S(|s| = 2).$$

Интеграллашган бошқариш тизимларига (ИБТ) янги компьютер технологияларининг (IP тармоқлари/Ethernet) қўлланилиши билан ахборот технологияларининг (АТ) таҳдидлари ишлаб чиқариш объектларининг ишлашига салбий таъсир кўрсата бошлади.

Инцидентларга жавоб қайтариш Америка маркази ICS-CERT нинг компания томонидан АХ соҳасидаги 108 та инцидент бўйича маълумотлар таҳлил қилинган 2018 йил учун йиллик ҳисоботида энг кўп инцидентларнинг энергетика (27,4%), нефт ва нефт қазиб олиш саноатида (21,3%), кимё саноатида (11,4%), сув ресурсларини бошқариш (6,3%) ва бошқа ўта муҳим ишлаб чиқаришларда қайд этилганлиги таъкидланади.

ИБТ га бўлган янги таҳдидларга самарали қаршилик кўрсатиш учун АТ соҳасидаги техник ечимлар ИЧМ ИБТ га муваффақиятли қўлланилмоқда.

Бундай техник ечимлар таркибига ҳужумларни аниқлаш тизимлари (ҲАТ), антивируслар ёки суқилиб киришларнинг олдини олиш тизимлари (СКООТ) ҳам киради. ИЧМ ИБТ IP/Ethernet тармоқ инфратузилмасига уланган бир қатор компонентларга (қурилмалар, датчиклар) эга, бироқ антивируслар, ҲАТ ёки хост даражасидаги СКООТ каби ахборот хавфсизлигини (АХ) таъминлаш воситаларини улар учун ҳар доим ҳам ўрнатиб бўлмайди.

Шунинг учун ИЧМ ИБТ ҳимоясини оширишга имкон берувчи истиқболли усуллар, алгоритмлар ва технологияларни тадқиқ қилиш зарурияти юзага келади. Бундай ечимлардан бири сифатида ўрганилаётган объектнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш мажмуалари саноат тармоқлари тармоқ трафигини таҳлил қилиш тизимларини қўллашда кўринади.

Баён қилинганларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси давлат ва тижорий корхоналари учун янги тизимларни ишлаб чиқиш ва ахборот муҳити ва ҳимоя тизимларини такомиллаштириш зарурияти долзарб ҳисобланади. Бунинг асосида ИЧМ ИБТ, ҳисоблаш техникаси, коммуникацион тизимлар ва жиҳозлар лойиҳаловчилари ва ишлаб чиқарувчилари бўлган етакчи компанияларнинг лойиҳалаш ва технологик ечимлар бўйича жаҳон тажрибаси ҳамда ушбу билимлар тармоғидаги мутахассисларнинг янги илмий натижалари ва таклифлари ётиши керак.

Шунинг учун ИЧМ ИБТ нинг самарали ҳимоясини таъминлаш учун саноат корхоналари компьютер тизимларини лойиҳалаш тизимларини мунтазам равишда такомиллаштириб ва модернизация қилиб бориш зарур. Шу туфайли танланган мавзу долзарб ва зарур ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Ҳимояланган интеграллашган бошқариш тизимларини лойиҳалаш концепцияси ва методологиясини ишлаб**

чиқиш» деб номланган иккинчи боби ҳимояланган ИЧМ ИБТ ни лойиҳалаш масалаларига бўлган концептуал ёндашувларни ишлаб чиқиш, ҳимояланган ИБТ ни лойиҳалаш методологиясини ишлаб чиқиш, ИБТ ни лойиҳалаш тамойилларини шакллантириш ҳамда саноат мажмуалари тармоқ трафигини таҳлил қилишнинг аппарат-дастурий тизимлари тузилиши ва ишлаш тамойилларини синтез қилишга бағишланган.

ИЧМ ИБТ АХ даги бугунги кундаги устувор масала бўлиб конфигурацион ва бошқарувчи маълумотлар ва технологик жараён параметрлари ҳақидаги маълумотларнинг ҳаммабоплиги ва бутунлигини таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун хавфсизлик масалаларини тадқиқ қилишда ИБТ ни унинг компонентларининг турли даражалардаги ўзаро алоқаларида кўриб чиқиш зарур, бу эса мураккаб масала бўлиб ҳисобланади.

ИЧМ ИБТ ҳимоясини таъминлаш масаласи яна шу билан мураккаблашадики, автоматлаштирилган тизимларнинг (АвТ) ҳар бир синфи учун қайта ишланаётган ахборот хусусиятлари ва ундан фойдаланиш шартларига мувофиқ тарзда хавфсизликка бўлган аниқ бир талаблар ўрнатилади.

Ўз навбатида, АвТ даги ахборот ҳимояси – АвТ да қайта ишланаётган ахборот ва умуман АвТ хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган фаолият таҳдидларни амалга ошириш имкониятининг олдини олиш ёки уни мураккаблаштиришга ҳамда таҳдидлар амалга оширилиши натижасидаги эҳтимолий зарарлар миқдорини пасайтиришга имкон беради.

Хавфсиз ИЧМ ИБТ ни лойиҳалаш масалаларини ўрганиш хавфсиз ИЧМ ИБТ ни қуришга бўлган энг кенг тарқалган ёндашувлардан бири бўлиб эшелонлашган ҳимоя ҳисобланишини кўрсатади. Эшелонлашган ёндашув ИЧМ ИБТ ҳимояланганлигини таъминлашга бўлган мажмуавий усул ҳисобланади, чунки ушбу ёндашув концепцияси ИЧМ ИБТ нинг ишлашини компьютер тармоғи даражасида кўриб чиқишдан иборатдир ва биринчи навбатда бундай тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш асосида қурилади.

Бунда замонавий ИЧМ ИБТ хавфсизлиги технологияси киберхавфсизлик бўйича усуллар, амалий маслаҳатлар ва тавсияларни тартибга солувчи халқаро ISA/IEC- 62443 стандартлари серияси қоидаларига асосланади.

Бироқ эшелонлашган ёндашув билан мажмуавий ҳимоя тизимини қуриш – сермеҳнат ва сезиларли даражадаги инсон ресурслари ва техник воситаларни талаб қилувчи масала.

Паст ва ўртача даражадаги мураккабликка эга бўлган ИБТ қаттиқ молиявий чекланиш шароитида кам сондаги инсон ва техник ресурслар билан лойиҳаланади. Шунинг учун АХ ни таъминлаш масаласи бир четда қолиб кетади ва кўпинча хаттоки кўриб ҳам чиқилмайди.

Шу туфайли ҳозирги вақтда бир қатор тадқиқотчилар киберхавфсизликни ИБТ яратиладиган мақсадлар ёки миссиялар призмаси орқали кўриб чиқишни, яъни миссиоцентрик ёндашувни таклиф қилмоқдалар. Миссиоцентрик ёндашув ахборот тизимига бўлган таҳдидлар

ва унинг заифликларини бутунлик, ҳаммабоплик ва конфиденциаллик нуқтаи назаридан эмас, балки автоматлаштирилиши учун ИБТ дан фойдаланиладиган соҳанинг предмет терминларида таҳлил қилишга имкон беради.

Киберхавфсизлик масаласини ривожлантириш доирасида учта соҳа: саноат хавфсизлиги, функционал хавфсизлик ва ахборот хавфсизлиги методологик аппаратидан фойдаланилади.

Шу билан биргаликда ИЧМ ИБТ ҳимояси даражасига қўйиладиган асосий талаблар, ҳимояланган ИЧМ ИБТ лойиҳалаш жараёнида ишлаб чиқувчилар томонидан тўпланган кўп йиллик тажриба ҳамда бир қатор олимлар ва мутахассисларнинг фикрлари ҳимояланган ИЧМ ИБТ ни лойиҳалашнинг асосий тамойилларини аниқлашга имкон берди.

Иқтисодий самарадорлик тамойили. Бунга кўра Z ҳимоя тизимига бўлган ҳаражатлар $P(Z)$ U таҳдид томонидан етказиладиган $P(U)$ молиявий зарардан катта бўлмаслиги керак: $P(Z) \le P(U)$.

Ўз вақтидалилик ва мослик тамойили – ҳимоя тизими ахборотга бўлган таҳдидларнинг маълум турларини ўз вақтида аниқлаши ва мос тарзда жавоб қайтариши керак. Ҳимоянинг ўз вақтидалилиги, яъни маълум вақт давридаги таҳдид ва ҳимоя нисбати: $Z(t) \ge U(t)$, бу ерда $t \to \min$.

Мажмуавийлик тамойили. Мажмуавий тарзда фойдаланиш корхонада таҳдидларни амалга оширишнинг барча башорат қилинаётган каналларини ёпувчи ва унинг алоҳида компонентларининг ўзаро алоқаларида заиф жойларга эга бўлмаган бутун ҳимоя тизимини қуришда турли типдаги воситаларни мувофиқлаштиришни кўзда тутади.

$Z = \bigcup Z_\chi$, $Z = \sum_{\chi=1}^{\alpha} Z_\chi$ ва ҳар бир z_χ- мажмуа ҳимоя воситаси Z - тизим ИЧМ ИБТ ресурс D_i^λ ҳимоя қилиш учун йўналтирилган бўлиши керак: $Z \xrightarrow{Z_\chi} D_i^\lambda \to \max$.

Ўз-ўзини ўқитувчанлик ва мослашувчанлик тамойили – ИБТ ресурсларининг динамик ўзгарувчи таркибига автоматик тарзда тезкор мослашиш қобилияти.

Автономлик тамойили – ташқи билимлар ва экспертлар ҳамда ҳимоянинг қонунийлиги, тизимлилиги, узлуксизлиги, ҳимоя тизимининг мослашувчанлиги, ҳимоя воситаларини қўллашнинг осонлиги тамойилларидан мустақилликдир.

ИЧМ ИБТ ни лойиҳалашда миссиоцентрик ёндашувнинг қўлланилиши ва юқорида кўрсатилган тамойилларга амал қилиниши ИЧМ ИБТ киберхавфсизлигига бўлган таҳдидларнинг учта асосий синфи: саноат хавфсизлигининг бузилиши, ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигининг пасайиши, функционал хавфсизлик ва ишончлиликнинг бошқа бузилишларидан ҳимояланганлик билан таъминлашга имкон беради.

Баён қилинганларни ҳисобга олган ҳолда ишда қуйидаги архитектурага эга бўлган тармоқ трафигини мониторинг қилиш ва таниб олишнинг

ишончли тизимларини лойиҳалаш йўли билан ИЧМ ИБТ ҳимоясини таъминлаш усуллари таклиф қилин (1-расм).



1-расм. ИБТ таҳдидлари анализаторининг тузилмавий схемаси

Таклиф қилинган тизимдаги тармоқ трафигини таҳлил қилиш жараёни иккита усулга (сигнатурали таҳлил ва аномалияларни аниқлаш) асосланган. Сигнатурали таҳлил ва аномалияларни аниқлашнинг математик моделлари диссертациянинг учинчи бобида батафсилроқ кўриб чиқилади.

Диссертациянинг **«Дискрет оқимга эга бўлган интегралашган бошқариш тизимларида тармоқ трафигини таҳлил қилиш моделларини ишлаб чиқиш»** деб номланган учинчи бобида саноат тармоқларининг тармоқ трафигидаги аномалияларни таниб олиш усуллари ва алгоритмлари, дискрет маълумотлар оқимига эга бўлган тармоқлардаги тармоқ трафигининг сигнатурали, статистик ва фрактал таҳлиллари жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган.

Сигнатурали солиштириш орқали телекоммуникация каналлари бўйича маълумотлар узатишнинг исталмаган пакетларини (фреймларини) қидириш масаласининг математик ифодаланишини қуйидаги кўринишда шакллантириш мумкин: айтайлик, қандайдир матн $T = \{t_1, t_2, ..., t_n\}$ мавжуд бўлсин ва унга шаблонларнинг барча киришларини топиш талаб қилинсин $P = \{p_1, p_2, ..., p_m\}$, бу ерда m ва n - мос ҳолда берилган матн T ва P шаблоннинг ўлчамлари, яъни $m \le n$.

Тадқиқот ишида сатрли қидиришнинг турли алгоритмлари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш асосида тармоқ трафигини сигнатурали таҳлил қилиш тизимларида қўллаш мақсадида уларнинг ишлашини таҳлил қилишда амалий амалга ошириш учун кетма-кет (тўғри) қидириш (The Brute Force Algorithm) алгоритми, Бойер-Мур алгоритми, хешлаш ва қисм-сатрларни қидиришнинг иккилик алгоритми (bitap algorithm, shift-or algorithm) танлаб олинди.

Самарали башоратли баҳони олиш учун тармоқнинг юкланганлигини статистик таҳлил қилишнинг математик модели масаласининг қўйилишини қуйидагича баён қилиш мумкин. t_i лар тўпламидан ташкил топган шундай T - вақт берилган бўлсинки, $T=\sum t_i,(i=\overline{1,n})$ бўлсин. Тармоқ трафиги ҳажмини кузатиб бориш сенсори орқали i -кун t_i -вақтда ўтказилган трафик ҳажмини. $D_i(t_j)$ билан белгилаймиз. Табиийки, $K_i(t_j)$- i -кун t_i -вақтда ахборотни кўчириб олувчи ҳисоблаш воситалари (компьютерлар, серверлар, IP-телефония шлюзлари ва ҳок.) сони.

1-жадвал.

Тармоқ трафиги ҳажми, мл·с

t	D_1	K_1	D_2	K_2	....	D_m	K_m
t_1	$D_1(t_1)$	$K_1(t_1)$	$D_2(t_1)$	$K_2(t_1)$		$D_m(t_1)$	$K_m(t_1)$
t_2	$D_1(t_2)$	$K_1(t_2)$	$D_2(t_2)$	$K_2(t_2)$		$D_m(t_2)$	$K_m(t_2)$
.	.	.	.	.	.	.	.
t_n	$D_1(t_n)$	$K_1(t_n)$	$D_2(t_m)$	$K_2(t_n)$	.	$D_m(t_n)$	$K_m(t_n)$

1-жадвал асосида трафик ҳажмининг қуйидаги кетма-кетлигини шакллантирамиз:

$D_1(t_1), D_1(t_2), \ldots, D_1(t_n), D_2(t_1), D_2(t_2), \ldots, D_2(t_m), \ldots, D_m(t_1), D_m(t_2), \ldots, D_m(t_n)$.

Маълумотлар қаторини тенглаштириш ва $D^{\ln}(t)=Ln(D(t))$.экспоненциал кўринишдаги ночизиқлилик бўйича тармоқ трафиги ҳажми маълумотларини силлиқлаш учун ҳар бир олинувчи $D_j(t_i)$ қийматни логарифмлаймиз.

Маълумки, тармоқ трафиги ҳажми ҳақидаги маълумотлар $D_j^{\ln}(t_i)$ 1-жадвалда миллисонияларда (млсон) ифодаланган. Оператор томонидан тармоқ трафиги маълумотлари ифодаланишининг қулай бўлиши ҳамда ўрганилаётган масала мақсадлари учун вақт масштабини (1-жадвалдаги) олинаётган ҳар 10 та $D_j^{\ln}(t_i)$ ёзувни қўшиш ва уларнинг ўрта арифметигини қуйидагича аниқлаш йўли билан млсон. дан сонияларга айлантирамиз:

$$x_1=\frac{(D_1^{\ln}(t_{10})+D_1^{\ln}(t_9)+\ldots+D_1^{\ln}(t_1))}{10}.$$

Натижада қуйидаги қаторни оламиз:

$$x_1=\frac{(D_1^{\ln}(t_{10})+D_1^{\ln}(t_9)+\ldots+D_1^{\ln}(t_1))}{10},\ x_2=\frac{(D_1^{\ln}(t_{11})+D_1^{\ln}(t_{10})+\ldots+D_1^{\ln}(t_2))}{10},$$

$$x_3=\frac{(D_1^{\ln}(t_{12})+D_1^{\ln}(t_{11})+\ldots+D_1^{\ln}(t_3))}{10},\ldots,\ x_n=\frac{(D_1^{\ln}(t_n)+D_1^{\ln}(t_{n-1})+\ldots+D_1^{\ln}(t_{n-10}))}{10}$$

ва ҳок. Натижада трафик ҳажмининг соддалаштирилган белгиланишини олиш мумкин: $x_1, x_2, \ldots, x_n$, бу ерда $i=\overline{1,n}$ - сонияларни, $x(i)$ -тизимнинг i сониядаги юкланганлигининг ўртача арифметик қийматини билдиради. Ҳар бир янги сония билан $x(i)$ қийматлар қатори янги қиймат билан тўлдирилади. Бу

процедура трафик ҳажмини ҳисоблаш ва олдиндан айтиб беришда $D_1^{\ln}(t_i)$ га қараганда турғунроқ бўлган маълумотлар қатори $x(i)$ олишга ҳамда сонияли тартибнинг трендларини ўрганишга имкон беради. $x(i)$ ни ҳисоблаш тадқиқот объектини аниқроқ моделлаштиришга ёрдам беради.

Ўрганилаётган объектнинг математик модели аввалдан тизимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилганлиги учун моделни маълумотлар узатишнинг бошқа тармоқларига унификация қилиш учун қуйидаги коэффициентларни киритамиз:

– k - юқорироқ тартибдаги ўртача арифметик қийматларни ҳисоблаш учун ушланадиган сония қийматларининг сони;

– m – вақт тартиби масштаби коэффициенти. Ўрганилаётган тизимда k =15, m =2 каби белгилаб оламиз.

Тармоқ трафигининг ҳажми ҳақидаги маълумотлар қатори $x(i)$ асосида сирпанувчи ўртачалар учун қуйидаги ўртача арифметик қийматларни ҳисоблаймиз:

$M_j^1 = \frac{(x_i(k) + x_i(k-1) + ... + x_i(k-15))}{k}$ – $x(i)$ нинг сўнгги 15 та қиймати;

$M_j^2 = \frac{(x_i(k \times m) + x_i(k \times m - 1) + ... + x_i(k \times m - 15 \times m))}{k \times m}$ – $x(i)$ нинг сўнгги 30 та қиймати;

$M_j^3 = \frac{(x_i(k \times 2 \times m) + x_i(k \times 2 \times m - 1) + ... + x_i(k \times 2 \times m - 15 \times 2 \times m))}{k \times m}$ – $x(i)$ нинг сўнгги 60 та қиймати.

Шундай қилиб ҳисобланган қийматлар M_j^1, M_j^2 ва M_j^3 тармоқ трафиги ҳажмининг ўртачалаштирилган ўрта арифметик қийматлари ҳисобланади: M_j^1– 15 сонияли ўртачалаштирилган қийматлар, M_j^2 – 30 сонияли ўртачалаштирилган қийматлар, M_j^3 – 60 сонияли ўртачалаштирилган қийматлар.

Агар M_j^1, M_j^2 ва M_j^3 қийматлар k -қадамлар сонини ўзгартириш билан узлуксиз циклда амалга оширилса, динамик-сирпанувчи ойна учун ўртача арифметик қийматларни ҳисоблаш мумкин.

M_j^1, M_j^2 ва M_j^3 учун вақт қаторларидан фойдаланган ҳолда башорат тенгламасини полиномиал боғлиқлик кўринишида ифодалаш мумкин. Тармоқ трафигининг корреляция коэффициенти r-Пирсон алгоритми ёрдамида ҳисобланади.

Дискрет хусусиятларга эга бўлган ҳисоблаш тармоқларидаги трафик аномалияларининг фрактал таҳлилининг математик моделини (1-жадвалга қаранг) қуйидагича ифодалаймиз.

$t_i, \left(i = \overline{1,n}\right)$ – вақт;

$D_j(t_i)$ – i-кундаги t_i - вақтдаги трафик;

$K_j(t_i)$ – i-кундаги t_i - вақтдаги ишлаган компьютерлар сони;

$\lambda = \left(\lambda^1, \lambda^2, ..., \lambda^N\right)$, $\lambda^j \in \{0,1\}$, $j = \overline{1,N}$ вектор ҳосил қилади; бу ерда $\sum_{j=1}^{N} \lambda^j = \ell$

$$\vec{a}_i = \left(\frac{D_i\left(t_{p_1}\right)}{K_i\left(t_{p_1}\right)}, \frac{D_i\left(t_{p_2}\right)}{K_i\left(t_{p_2}\right)}, ..., \frac{D_i\left(t_{p_h}\right)}{K_i\left(t_{p_h}\right)} \right), \quad (\partial = \overline{1,m}).$$

$$\vec{b}_j = \left(\frac{D_j\left(t_{f_1}\right)}{K_j\left(t_{f_1}\right)}, \frac{D_j\left(t_{f_2}\right)}{K_j\left(t_{f_2}\right)}, ..., \frac{D_j\left(t_{f_h}\right)}{K_j\left(t_{f_h}\right)} \right)$$

$$N_a = \frac{(a_i, \lambda)}{(b_j, \lambda)} \tag{1}$$

(1) функция Фишер мезони ҳисобланади. a ва b векторлар компонентлари муносабатларини қуйидагича тартиблаймиз:

$$\frac{a_1}{b_1} \geq \frac{a_2}{b_2} \geq ..... \geq \frac{a_N}{b_N}. \tag{2}$$

Дастлабки ℓ та компонентда аномалия бўлиши мумкин.

У ҳолда $\lambda = \left(\underbrace{1,1,1,...,1}_{\ell}, \underbrace{0,0,0,...,0}_{N-\ell} \right)$.

(1) функционал учун қуйидаги масалани ечамиз:

$$\begin{cases} I(\lambda) = \dfrac{(a,\lambda)}{(b,\lambda)} \to \max; \\ \lambda \in \Lambda^{\ell}, \end{cases} \tag{3}$$

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$A = \sum_{i=1}^{l} a_i, \; B = \sum_{i=1}^{l} b_i, \; \begin{cases} \Delta a_{ij} = a_j - a_i \\ \Delta b_{ij} = b_j - b_i, i = \overline{1,l}, j = \overline{l+1,N} \end{cases}, \; \lambda^0 = \left(\underbrace{1,1,...1}_{l\,ma}, \underbrace{0,0,...,0}_{N-l\,ma} \right).$$

Дискрет оқимли тармоқларда сирпанчу дарча шаблонини ҳисоблаш йўли билан тармоқнинг фрактал ҳусусиятлври теоремаси исботланилган.

a, b ва $c \geq 0,\ d > 0\ (a + c \geq 0, b + d > 0)$ ҳақиқий сонлар берилган бўлсин. Тенгсизликлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тақдим этилган ифодалардан биридан фойдаланамиз. Тенгсизликларнинг қуйидаги хусусиятларидан бири ўринли:

$$\frac{a}{b} < \frac{a+c}{b+d} < \frac{c}{d}, \text{ бу ерда } a > 0,\ b > 0 \text{ ва } bc > ad, \tag{4}$$

$$\frac{a}{b} > \frac{a+c}{b+d} > \frac{c}{d}, \text{ бу ерда } a > 0,\ b > 0 \text{ ва } cb < ad, \tag{5}$$

$$\frac{a}{b} > \frac{a+c}{b+d} < \frac{c}{d}, \text{ бу ерда } a < 0,\ b < 0 \text{ ва } cb < ad, \tag{6}$$

$$\frac{a}{b} < \frac{a+c}{b+d} > \frac{c}{d}, \text{ бу ерда } a < 0,\ b < 0 \text{ ва } cb > ad, \tag{7}$$

$$\frac{a+c}{b+d} \geq \frac{c}{d}, \text{ бу ерда } a \geq 0,\ b \leq 0 \text{ ва } cb \leq ad, \tag{8}$$

$$\frac{a+c}{b+d} \leq \frac{c}{d}, \text{ бу ерда } a \leq 0,\ b \geq 0 \text{ ва } cb \geq ad, \tag{9}$$

$$\frac{d}{ef} \leq \frac{d+a}{(b+e)(c+f)}, \text{ бу ерда } \frac{a}{d} \geq \frac{b}{e} + \frac{c}{f} + \frac{bc}{ef}, \tag{10}$$

$$\frac{d}{ef} > \frac{d+a}{(b+e)(c+f)}, \text{ бу ерда } \frac{a}{d} < \frac{b}{e} + \frac{c}{f} + \frac{bc}{ef}. \tag{11}$$

Тартибланган кетма-кетлик (2) ёрдамида танланган $\lambda^0 = \left(\underbrace{1,1,...1}_{l\,ma}, \underbrace{0,0,...,0}_{N-l\,ma} \right)$ вектор (3) масалага оптимал ечим бўлиши учун (4) ва (7) тенгсизликлар шартларини қаноатлантирувчи $a = \Delta a_{ij},\ b = \Delta b_{ij}$ мавжуд бўлмаслиги керак.

$\forall \lambda \in \Lambda^l$ ни танлаб оламиз. Танланган λ вектор (3) масаланинг оптимал ечими бўлиши учун (5), (7) ва (8) тенгсизликлар шартларини қаноатлантирувчи $a = \Delta a_{ij},\ b = \Delta b_{ij}\ \left(i = \overline{1,l},\ j = \overline{l+1,N}\right)$ мавжуд бўлмаслиги керак.

Ушбу усулга мос келувчи алгоритм қуйидаги қадамлардан иборат.

1-қадам. $\lambda = \{\underbrace{1,1,...,1}_{\ell}, 0,0,...0\}$ векторга бошланғич қиймат берилади.

2-қадам. А ва В қийматлари ҳисобланади, яъни $A = (a, \lambda)$, $B = (b, \lambda)$.

3-қадам. $i = 1$, $j = N$; $A_1 = A, B_1 = B$.

4-қадам. Δa_{ij} ва Δb_{ij} қийматлари ҳисобланади.

5-қадам. (4) тенгсизликни қаноатлантириш шартлари текширилади. Агар Δa_{ij} ва Δb_{ij} (4) тенгсизлик шартларини қаноатлантирса, тенгсизлик натижалари бўйича λ векторнинг *i*- ва *j*-компоненти жойларини алмаштиради, $A = A + \Delta a_{ij}$, $B = B + \Delta b_{ij}$ ҳисобланади ва 8-қадамга ўтилади, акс ҳолда – кейинги қадамга ўтилади.

6-қадам. (2) тенгсизликни қаноатлантириш шартлари текширилади. Агар Δa_{ij} ва Δb_{ij} (2) тенгсизлик шартларини қаноатлантирса, тенгсизлик натижалари бўйича λ вектор *i*- ва *j*-компонентлари қийматлари ўринларини алмаштиради, $A = A + \Delta a_{ij}$, $B = B + \Delta b_{ij}$ ҳисобланади ва 8-қадамга ўтиш амалга оширилади, акс ҳолда – кейинги қадамга ўтилади.

7-қадам. (5) тенгсизликни қаноатлантириш шартлари текширилади. Агар Δa_{ij} ва Δb_{ij} (5) тенгсизлик шартларини қаноатлантирса, тенгсизлик натижалари бўйича шакл алмаштириш амалга оширилади, λ вектор *i*- ва *j*-компонентлари қийматлари ўринларини алмаштиради, $A = A + \Delta a_{ij}$, $B = B + \Delta b_{ij}$ ҳисобланади ва 8-қадамга ўтилади, акс ҳолда – кейинги қадамга ўтилади.

8-қадам. $j > \ell$ шарт текширилади. Агар $j > \ell$ бўлса, у ҳолда $j = j - 1$ ва 5-қадамга ўтиш амалга оширилади, акс ҳолда – кейинги қадамга ўтилади.

9-қадам. $i < \ell$ шарт текширилади. Агар $i < \ell$ бўлса, у ҳолда $i = i + 1$ бўлади ва 5-қадамга ўтиш амалга оширилади, акс ҳолда – кейинги қадамга ўтилади.

10-қадам. $A_1 = A$ ва $B_1 = B$ шартлар текширилади. Агар $A_1 = A$ ва $B_1 = B$ бўлса, у ҳолда λ – оптимал ечим бўлади ва алгоритм тўхтатилади, акс ҳолда 3-қадамга ўтиш амалга оширилади.

Ҳар бир λ қисм-тизимнинг ℓ-ўлчамли вектори учун ℓ-ўлчамли белгилар фазоси аниқланади ва бунда λ қисм-фазода тегишли Евклид нормаси $\|x\|_\lambda = \sqrt{\sum_{j=1}^{N} \lambda_j \left(x^j\right)^2}$ ни киритамиз.

X_p синфни тавсифловчи ўртача объект $\bar{x}_p$ қуйидагича аниқланади:

$$x_p = \frac{1}{m_p}\sum_{i=1}^{m_p} x_{pi},\ p = \overline{1,r}.$$

Қуйидаги функцияни киритамиз:

$$S_p(\lambda) = \sqrt{\frac{1}{m_p}\sum_{i=1}^{m_p} \left\| x_{pi} - \overline{x}_p \right\|_\lambda^2}\ .$$

$S_p(\lambda)$ функция λ вектор асосида ажратиб олинган X_p синфдаги объектларнинг ўртача четланишини кўрсатади. Информативлик мезони сифатида қуйидаги кўринишдаги функционални оламиз:

$$I_1(\lambda) = \frac{\sum_{p,q=1}^{r} \left\| \overline{x}_p - \overline{x}_q \right\|_\lambda^2}{\sum_{p=1}^{r} S_p^2(\lambda)}.$$

Айтайлик, қуйидаги кўринишдаги мезон берилган бўлсин:

$$I(\lambda) = \frac{(a,\lambda)}{(b,\lambda)(c,\lambda)}.$$

Унга мос масалани кўриб чиқамиз:

$$\begin{cases} I(\lambda) = \dfrac{(a,\lambda)}{(b,\lambda)(c,\lambda)} \to \max, \\ \lambda \in \Lambda^l, \lambda_i = \{0,1\},\ i = \overline{1,N}, \\ a,b \in R^N,\ a_i \ge 0, b_i > 0,\ i = \overline{1,N}. \end{cases}$$

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$A = \sum_{i=1}^{l} a_i,\ B = \sum_{i=1}^{l} b_i,\ C = \sum_{i=1}^{l} c_i,\ \begin{cases} \Delta a_{ij} = a_j - a_i, \\ \Delta b_{ij} = b_j - b_i, i = \overline{1,l},\ j = \overline{l+1,N}. \end{cases}$$

$\forall x, y, z$ *ва* $w, e, f > 0$ $(y + e > 0, z + f > 0)$ ҳақиқий сонлар учун қуйидаги тенгсизликлар ўринли:

Агар (10) ва (11) тенгсизликларда $a = \Delta a_{ij}$, $b = \Delta b_{ij}$, $c = \Delta c_{ij}$, $d = A$, $f = C$ қабул қилинса, $e = B$ $\forall i, j$ учун $\begin{cases} A + \Delta a_{ij} \ge 0 \\ B + \Delta b_{ij} > 0 \\ C + \Delta c_{ij} > 0 \end{cases}$ (7) ёки (8) тенгсизликлардан бири ўринли бўлади.

Диссертациянинг **«Интегралашган бошқариш тизимининг ҳимояланганлигини ошириш алгоритмларини ишлаб чиқиш»** номли тўртинчи боби ишлаб чиқариш мажмуаларининг ҳимояланганлигини кучайтириш моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган. Хусусан, ишлаб чиқариш мажмуалари тармоқларини лойиҳалашда VLAN технологияларининг математик модели, ИБТ даги ахборот ҳимоясининг криптографик усуллари ҳамда сигнатурали ва аномал таҳлил усуллари асосида дискрет оқимли саноат тармоқлари учун трафик таҳлилининг гибрид алгоритми таклиф қилинган.

ИЧМ ИБТ каби кўп босқичли тузилишга эга бўлган тизимлардаги асосий масалалардан бири бўлиб тармоқ трафигининг самарали оқимини ташкиллаштириш ҳисобланади.

